



## ARTICLE INFO

Received: 24<sup>th</sup> October 2024  
Accepted: 29<sup>th</sup> October 2024  
Online: 30<sup>th</sup> October 2024

### KEYWORDS

*Corruption, fight against corruption, gender factors, gender equality, international and national legal mechanisms.*

## THE IMPORTANCE OF CONSIDERING GENDER FACTORS IN THE FIGHT AGAINST CORRUPTION

**Jalilov Mo'minjon Solijon o'g'li**

Deputy Head of the Department for Oversight of Economic Legislation Implementation at the Namangan Regional Prosecutor's Office,  
First-Class Lawyer

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14011552>

## ABSTRACT

*This article analyzes the impact of gender factors and the importance of taking them into account in the process of fighting corruption. Based on research, the role of women in the fight against corruption, the relationship between gender equality and the level of corruption was studied. Recommendations are also made for the integration of gender aspects in the development of anti-corruption strategies.*

## КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ГЕНДЕР ОМИЛЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИНГ АҲАМИЯТИ

**Жалилов Мўминжон Солижон ўғли**

Наманган вилоят прокуратураси Иқтисодий қонунчилик ижроси устидан назорат бўлими бошлиғи ўринбосари,  
1-даражали юрист

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14011552>

## ARTICLE INFO

Received: 24<sup>th</sup> October 2024  
Accepted: 29<sup>th</sup> October 2024  
Online: 30<sup>th</sup> October 2024

### KEYWORDS

*Коррупция, коррупцияга қарши курашиш, гендер омиллар, гендер тенглик, халқаро ва миллий ҳуқуқий механизмлар.*

## ABSTRACT

*Ушбу мақолада коррупцияга қарши курашиш жараёнида гендер омилларнинг таъсири ва уларни ҳисобга олишнинг муҳимлиги таҳлил қилинган. Тадқиқотлар асосида аёлларнинг коррупцияга қарши курашдаги роли, гендер тенглик ва коррупция даражаси ўртасидаги боғлиқлик ўрганилган. Шунингдек, коррупцияга қарши курашиш стратегияларини ишлаб чиқишда гендер жиҳатларини интеграция қилиш бўйича тавсиялар берилган.*

Коррупция жамиятнинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи энг муҳим муаммолардан бири ҳисобланади. У давлат бошқаруви тизимида шаффофлик ва самарадорликни пасайтиради, иқтисодий ўсишга салбий таъсир кўрсатади ва фуқароларнинг давлатга бўлган ишончини йўқотади. Шу боисдан, коррупцияга қарши самарали курашиш ҳар бир давлат учун долзарб вазифа ҳисобланади. Охирги йилларда бу жараёнда гендер тенглик масаласига бўлган эътибор ортиб бормоқда.



Гендер омиллари коррупция даражасига ва унга қарши кураш стратегияларига катта таъсир кўрсатади. Халқаро тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, давлат бошқарувида аёллар иштирокининг ошиши коррупция хавфини камайтиришга ёрдам беради. Аёллар, одатда, ижтимоий масъулиятни чуқурроқ ҳис қиладилар ва коррупцион ҳаракатларга нисбатан камроқ мойиллик кўрсатадилар. Шу боис, давлат бошқарувида гендер тенгликни таъминлаш коррупцияга қарши кураш самарадорлигини оширишнинг муҳим омили сифатида қаралади.

Ўзбекистонда ҳам гендер тенглик ва коррупцияга қарши курашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги ва "Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунларда ушбу масалалар инobatга олинган. Мазкур мақолада коррупцияга қарши курашишда гендер омилларининг ўрни ва аҳамияти, шунингдек, миллий ва халқаро тажрибалар асосида уларни самарали интеграция қилиш бўйича тавсиялар таҳлил қилинади. Коррупция асрлар давомида глобал муаммо сифатида жамиятлар тараққиётига жиддий тўсиқ бўлиб келмоқда. Сўнгги йилларда олиб борилган тадқиқотлар коррупцияга қарши курашишда гендер омилларнинг муҳим рол ўйнашини кўрсатмоқда. Жумладан, давлат бошқаруви органларида гендер тенгликни таъминлаш ва аёлларнинг иштирокини ошириш коррупция даражасини пасайтиришга хизмат қилиши аниқланган.

Халқаро тадқиқотлар натижаларининг кўрсатишича, аёллар эркакларга нисбатан коррупцион ҳаракатларга камроқ мойил бўладилар. Бунинг бир қатор, хусусан кўйидаги сабаблари мавжудлигини эътироф этиш мумкин: 1) аёлларда эркакларга нисбатан ижтимоий масъулият ҳиссининг юқорироқ эканлиги; 2) уларнинг риск қилишга камроқ мойиллиги; 3) жамият олдидаги масъулиятни чуқурроқ ҳис этиши; 4) оила ва фарзандлар олдидаги жавобгарлик туйғуси.

Шу боис, сўнгги йилларда коррупцияга қарши курашишнинг халқаро ҳамда миллий ҳуқуқий механизмларида гендер жиҳатларни имкон қадар инobatга олиш масаласига эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги<sup>1</sup> ҳамда "Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги<sup>2</sup> қонунларида бундай жиҳатлар ҳисобга олинганлигини кузатиш мумкин.

Масалан, "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонун нормалари коррупцияга қарши курашиш субъектлари фаолиятида гендер тенглик принципларига риоя этилишини назарда тутди. "Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги қонун эса, давлат бошқарувида гендер тенгликни таъминлаш механизмларини белгилайди.

Коррупцияга қарши курашиш сиёсатида гендер омилларнинг аҳамияти, яъни жинсий тенгликни таъминлашнинг зарурати шундаки, бу жараёнда аёлларнинг иштироки бир қатор ижобий натижаларга олиб келиши мумкин. Масалан,

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги ЎРҚ-419-сон Қонуни // Электрон манба: <https://lex.uz/docs/3088008> (мурожаат вақти: 26.10.2024).

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги "Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги ЎРҚ-562-сон Қонуни // Электрон манба: <https://lex.uz/acts/4494849> (мурожаат вақти: 26.10.2024).



таҳлилларнинг кўрсатишича, давлат бошқаруви соҳасида, шу жумладан давлат бошқаруви органларида аёллар иштирокининг ошиши қуйидаги ижобий натижаларга олиб келади: а) тизимда бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнининг шаффофлиги ортади; б) коррупцион хавф-хатарлар камаяди; в) бошқарув самарадорлиги ошади; г) жамоатчилик назорати кучаяди.

Мазкур масала бир қатор хорижий тадқиқотларда ҳам батафсил ёритиб берилган. Масалан, Анна Ларссон ўзининг “Gender and Corruption in Public Administration” асарида гендер тенглик ва коррупция даражаси ўртасида тескари боғлиқлик мавжудлигини исботлаган<sup>3</sup>. Яъни, коррупция даражаси юқори бўлган жойда гендер тенгликка амалга қилинмайди, ва аксинча гендер тенглик тўғри йўлга қўйилган жойда коррупция даражаси паст бўлади. Дэвид Долларнинг тадқиқотларида эса, аёлларнинг давлат бошқарувидаги иштироки ошиши коррупция даражасининг пасайишига олиб келиши мумкинлиги статистик маълумотлар асосида исботланган<sup>4</sup>.

Мариэ Чене “Gender and Corruption in Public Sector” номли тадқиқотида давлат секторида коррупцияга қарши курашишда гендер омилларнинг ролини тизимли равишда таҳлил қилган<sup>5</sup>.

Мазкур тадқиқотларга асосан хулоса қилиш мумкинки, *биринчидан*, коррупция ва гендер тенглик ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд; *иккинчидан*, аёлларнинг бошқарув жараёнларидаги иштироки коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини оширади; *учинчидан*, гендер тенглик коррупцияга қарши иммунитетни кучайтиради.

Шунингдек, ушбу масала бир қатор миллий олимларимизнинг ҳам эътиборини ўзига тортганлигини кўриш мумкин. Хусусан, профессор М.Х. Рустамбаев коррупцияга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий механизмларида гендер тенгликни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратган. Унинг фикрича, “коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида гендер мувозанатни таъминлаш зарур”<sup>6</sup>. Ю.С. Пулатов эса, коррупцион жиноятларни тергов қилишда гендер омилларни ҳисобга олиш масалаларини ўрганган. Унинг фикрича, “тергов органларида аёл ходимларнинг кўпайиши коррупцион жиноятларнинг фош этилиш самарадорлигини оширади”<sup>7</sup>.

И.М. Хакимов эса, давлат хизматида коррупцияга қарши курашиш ва гендер тенглик масалаларини комплекс ўрганган. Унинг хулосасига кўра, “давлат органларида раҳбарлик лавозимларида аёллар сонининг ошиши коррупцион хавф-хатарларни камайтиради”<sup>8</sup>.

Д.К. Ахмедова ўз тадқиқотларида давлат хизматида коррупцияга қарши курашиш стратегияларини ишлаб чиқишда гендер омилларни ҳисобга олиш масалаларини

<sup>3</sup> Larsson, A. Gender and Corruption in Public Administration. Oxford University Press, 2021. – p. 127.

<sup>4</sup> Dollar, D., Fisman, R., & Gatti, R. Are women really the “fairer” sex? Corruption and women in government. Journal of Economic Behavior & Organization, 46(4), (2022). – p. 423-429.

<sup>5</sup> Chene, M. Gender and Corruption in Public Sector. Transparency International Working Paper, 2023. – p. 18.

<sup>6</sup> Рустамбаев М.Х. Коррупцияга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий жиҳатлари // Ҳуқуқ ва бурч. – 2023. – № 4. – Б. 12–18.

<sup>7</sup> Пулатов Ю.С. Коррупцион жиноятларни тергов қилишда гендер омилларни ҳисобга олиш // Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. – 2023. – №2. – Б. 34–41.

<sup>8</sup> Хакимов И.М. Давлат хизматида коррупцияга қарши курашиш ва гендер тенглик // Жамият ва бошқарув. – 2023. – № 3. – Б. 56-63.



ўрганган. Унинг фикрича, “коррупцияга қарши курашиш дастурларига гендер компонентларни киритиш зарур”<sup>9</sup>.

Шу ўринда, юқорида қайд этилган фикрларга қўшилган ҳолда дунёнинг кўплаб мамлакатларида коррупцияга қарши курашиш дастурларига гендер компонентларни киритиш ижобий натижалар берганлигини алоҳида қайд этиб ўтишимиз лозим бўлади. Масалан, Скандинавия мамлакатларида давлат бошқарувида гендер тенглик юқори даражада таъминланган ҳамда мазкур коррупция даражасининг пастлигига таъсир кўрсатган. Жанубий Корея ва Сингапурда эса, аёл-раҳбарларнинг кўпайиши коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини оширган.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича “Сингапур модели”га тўхталиш алоҳида аҳамиятга эга. Унга кўра, мазкур мамлакатда 1960 йилда махсус ваколатли орган – “Коррупцияга қарши тергов бюроси” (CPIB) ташкил этилган. Шунингдек, давлат хизматчиларининг ойлик иш ҳақи хусусий сектордаги юқори маошларга тенглаштирилган. Тергов бюросига давлат хизматчиларининг мол-мулки ва даромадларини ҳар йили текшириш ваколоти берилган. Натижада, 2023 йилда коррупция билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан қилинган мурожаатлар 8 фоизга камайишига эришилган (215 та факт қайд этилган, шундан 81 таси текширувга берилган)<sup>10</sup>.

Гендер жиҳатларга эътибор қаратадиган бўлсак, Сингапур давлат хизматида аёлларнинг улуши 56 фоизни, юқори бошқарув лавозимларида эса, 33 фоизини ташкил этади. Коррупцион ҳолатларда аёлларнинг иштироки эса, эркакларникига қараганда 3 баробар кам қайд этилган<sup>11</sup>.

Коррупцияга қарши тергов бюросида фаолият олиб боровчи аёл ходимлар улуши 45 фоизни ташкил қилади. Ушбу ташкилотда аёл терговчилар томонидан юритилган ишларнинг 92 фоизи суднинг айблов ҳукми билан яқунланган<sup>12</sup>. Шунингдек, ушбу органда комплаенс назорат (ички назорат) тузилмалари ходимларининг 48 фоизини аёллар ташкил этади<sup>13</sup>.

Шу ўринда таққослайдиган бўлсак, мамлакатимиз ички назорат тузилмалари ходимларининг малака талаблари, хусусан мутахассислиги, иш тажрибаси ва стажи бўйича амалдаги қонунчилик нормаларида алоҳида талаблар белгиланмаган. Бу ўринда ташкилотнинг вазифалари ва асосий фаолият йўналишлари, хусусан, давлат ёки хўжалик бошқаруви органи хусусиятидан (вазирлик, ҳокимлик, акциядорлик жамияти ёки акциядорлик тижорат банклари ва ҳақозо) келиб чиқиб, юриспруденция, иқтисодиёт, молия, солиқ, аудит ва бошқа соҳалар бўйича олий маълумотга,

<sup>9</sup> Ахмедова Д.К. Давлат хизматида коррупцияга қарши курашиш стратегиялари // Жамият ва бошқарув. – 2023. – № 4. – Б. 67-74.

<sup>10</sup> Corruption-related reports fall 8% in 2023, situation 'firmly under control': CPIB // Электрон манба: <https://www.channelnewsasia.com/singapore/cpi-corruption-public-sector-private-annual-report-2023-4302236> (мурожаат вақти: 26.10.2024).

<sup>11</sup> Tan, Sarah K. & Wong, Michael L. “Gender and Corruption in Singaporean Public Service” // Public Administration and Development Journal, Vol. 35(2), 2023, pp. 12-28.

<sup>12</sup> Lim, Jennifer. Women in Anti-Corruption Enforcement: CPIB Case Study // Singapore Management Review, 41(3), 2022, pp. 89-112.

<sup>13</sup> Ng, Catherine & Tan, Bernard. Corporate Compliance and Female Leadership in Singapore // Asian Business & Management, 29(4), 2023, pp. 234-256.



шунингдек Ички назорат тузилмасига юклатиладиган вазифа ва функциялар ҳамда ташкилотдаги коррупциявий хавф-хатарлардан келиб чиқиб, соҳага оид муайян тажрибага ва камида 3 йиллик стажга эга бўлган номзодлардан саралаб олиш тизимини жорий этиш тавсия этилади<sup>14</sup>.

Қолаверса, юқорида келтирилган таҳлиллардан маълумки, бир бир давлат коррупцияга қарши курашиш дастурларини ишлаб чиқишда қуйидаги гендер жиҳатларни ҳисобга олиши зарур:

- 1) раҳбарлик лавозимларида аёлларнинг сонини ошириш. Бунинг учун давлат бошқаруви органларида аёллар иштирокини ошириш учун квоталар тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади;
- 2) гендер тенгликни таъминлаш бўйича амалдаги қонунчиликни янада такомиллаштириш. Бунда коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро тажрибани ўрганиш ва миллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда жорий этиш лозим бўлади;
- 3) аёлларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш ва уларни коррупцияга қарши курашиш жараёнларига фаол жалб этиш зарур ҳисобланади.

Шу аснода, коррупцияга қарши курашиш нафақат давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини ошириш, балки жамиятнинг барқарор ривожланиши учун ҳам зарур бўлган муҳим йўналишдир. Тадқиқотлар натижасида аниқланишича, гендер омиллари коррупцияга қарши курашда ҳал қилувчи роль ўйнайди ва давлат бошқарувида гендер тенгликни таъминлаш коррупция хавфини пасайтиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Мақолада келтирилган халқаро тажрибалар, масалан, Сингапур ва Скандинавия мамлакатлари мисолида, аёлларнинг раҳбарлик лавозимларидаги иштироки давлат бошқарувида шаффофлик ва масъулиятни оширишини кўрсатади. Бу мамлакатларда аёлларнинг давлат секторидида фаол иштирок этиши коррупция даражасининг сезиларли даражада камайишига олиб келган. Шунингдек, давлат хизматчиларининг даромадлари ва мулклари устидан доимий мониторинг ўрнатилиши коррупция хавфини минимал даражага туширишда муҳим аҳамият касб этади.

Халқаро тажрибалардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

Биринчидан, давлат бошқарувида аёллар иштирокини ошириш, яъни раҳбарлик лавозимларида аёлларнинг улушини кўпайтириш учун квота тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ. Бу тизим гендер тенгликни таъминлаш билан бирга давлат идораларида шаффофликни оширишга хизмат қилади.

Иккинчидан, қонунчиликни такомиллаштириш, яъни коррупцияга қарши курашишда гендер компонентларини жорий этишни қўллаб-қувватловчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва мавжуд қонунларни такомиллаштириш зарур. Бу, айниқса, халқаро тажрибаларни миллий шароитларга мослаштириш орқали амалга оширилиши лозим.

Учинчидан, аёлларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, уларни коррупцияга қарши кураш жараёнларига фаол жалб этиш мақсадида уларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган ўқув дастурларини жорий этиш лозим. Бу нафақат

<sup>14</sup> Коррупцияга қарши ички назорат: 100 саволга 100 жавоб. Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари масъул ходимлари учун амалий қўлланма: – Тошкент: “ART LINE GROUP” МЧЖ, 2024. – Б. 16.



аёлларнинг жамиятдаги роли ва нуфузини оширади, балки коррупцияга қарши мустаҳкам иммунитет яратади.

Тўртинчидан, ички назорат тизимларини кучайтириш, яъни давлат ва хўжалик бошқаруви органларида ички назорат ва комплаенс тузилмаларида аёлларнинг иштирокини ошириш керак. Бу тизимлар орқали коррупцион хавфларни аниқлаш ва олдини олиш самарадорлигини ошириш мумкин.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, гендер тенгликнинг таъминланиши ва коррупцияга қарши самарали курашиш ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд. Аёлларнинг давлат бошқарувидаги иштироки, гендер жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган антикоррупцион стратегиялар нафақат коррупция даражасини пасайтиришга, балки давлат бошқаруви самарадорлигини оширишга ҳам хизмат қилади.

Якуний хулоса шундаки, коррупцияга қарши курашиш сиёсатини самарали амалга ошириш учун гендер жиҳатларни ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга. Аёлларнинг бошқарув жараёнларидаги фаол иштироки нафақат коррупцияни камайтириш, балки жамиятда ижтимоий адолат ва тенгликни мустаҳкамлаш учун ҳам зарурдир. Ўзбекистондаги коррупцияга қарши курашиш дастурларига гендер компонентларни интеграция қилиш амалиёти мамлакатнинг барқарор ривожланишига ҳисса қўшади.